

# БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11403369>


Саидов Улугбек Абдивалиевич  
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Банк рискларини бошқаришда унинг асосий механизмларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Банк рискларини бошқаришнинг самарали механизмлари жорий этилмаганлиги боис, бир қанча хорижий банклар йирик молиявий маблағларни йўқотганлиги ҳеч кимга сир эмас<sup>1</sup>. Халқаро банк амалиётида бундай молиявий йўқотишларни олдини олиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласидиган рискларни бошқаришнинг қатор механизмлари ишлаб чиқилган ва уларнинг кўпчилиги амалиётда самарали қўлланилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз банк тизимида рискларни бошқаришда халқаро банк амалиётида жорий этилган механизмлар тўлиқ фойдаланмаслиги мумкин. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида рискларни бошқаришнинг хорижий тажрибаларини тўғридан-тўғри жорий этиш мумкин эмас, шундай бўлсада, уларнинг ижобий жиҳатларини аниқлаш ва амалиётда қўллаш юзасидан тегишли чораларни қўриш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, хориж банк амалиётида рискларни бошқариш механизмлари айнан банклар пайдо бўлган даврдан бошлаб вужудга келган ва эволюцион тарзда ривожланиб ва такомиллашиб келмоқда. Ҳозирги шароитда хориж банкларида рискларни бошқаришда кенг қўлланиладиган механизмларнинг асосийлари қуйидаги расмда келтирилган.

<sup>1</sup>Диана Мак Нотон. Укрепление руководства и повышение чувствительности к переменам Том I. Всемерный банк. Вашингтон, Д.С.1994. Стр. 123.



1-расм. Банк рискларини бошқариш механизмлари2.

1-расмда хориж банк амалиётида банк рискларини бошқаришда самарали қўлланиб келинаётган рискни олдини олиш, рискни меъёрлаш, рискни диверсификациялаш ва рискдан ҳимояланиш каби механизмлари келтирилган.

*Рискни олдини олиш механизми.* Бу механизм рискларни нейтраллаштириш йўналиши бўлиб, рискларни бошқаришнинг кескин чораларидан бири ҳисобланади. Банк рискларини бошқаришнинг ушбу механизми орқали ички чора-тадбирлар тизими яратилади, бунинг натижасида риск тўлиғича бартараф этилади. Масалан, бундай чора-тадбирлар таркибига юқори риск даражасига эга бўлган айрим банк операцияларидан воз кечиш, банкнинг ўз маблағларининг асосий қисмини ишлатишдан воз кечиш, шунингдек, жалб этилган маблағлар миқдорини ошиб кетмаслигининг олдини олиш лозим бўлади.

*Рискни меъёрлаш (лимитлаштириш) механизми.* Рискларни лимитлаштириш механизми банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар учун белгиланган риск меъёрий даражасидан ортиб кетмаслиги мақсадида жорий этилади. Банк рискларини бошқаришда меъёрлаш механизмини жорий этиш учун банк мижозлари бўйича индивидуал лимитлаштириш тартибини ишлаб чиқади. Бу банкнинг юқори риск

2Классификация банковских рисков и их оптимизация / Под общ. ред. проф. Е. В. Иода. 2-е изд., испр., перераб. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. Стр. 96.

даражасига эга бўлган айрим актив ва пассив операциялар бўйича жорий этилади.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан банкларнинг капиталини етарлиги ва таркиби бўйича ўрнатилган янги мезонлар уларнинг балансини активлар қисмида рискка тортилган активлари улушини камайтириш орқали вужудга келиши мумкин бўлган рискларни лимитлаш имкониятини беради.

*Рискларни диверсификациялаш механизми.* Банкларда рискларни бошқаришнинг ушбу механизми тизимланмаган рискларни бартараф этиш масалаларига қаратилади. Яъни, тизимланмаган рисклар алоҳида олинган банклар доирасида вужудга келиб, уларнинг миллий иқтисодиётга таъсири сезиларсиз даражада бўлади. Айнан, шу шароитда рискларни диверсификациялаш механизмининг асосий мақсади банкларда рискларни марказлашувини олдини олишга, яъни битта банқда содир бўлган тизимсиз риск бошқа банкларга хавф солмаслиги ва содир бўлмаслигига эътибор қаратилади. Бу жараёнда тизимсиз рискларни бошқариш диверсификациялаш механизми орқали гурухларга бўлинади ва амалиётга жорий этилади.

Банкларнинг рискларини баҳолашда халқаро амалиётда Базель Пнинг андозалари кенг қўлланилади. Базель Пда муддати ўтган кредитлар учун алоҳида ўрин ажратилган. Агар берилган кредитларни қайтариш муддати 90 кундан кечиктирилса уларга нисбатан тегишли заҳиралар шакллантирилиши талаб этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, банкларда рискларни баҳолашда асосий этибор, кредит рискларини баҳолашга қаратилади. Банкларда кредит рискларини баҳолашда юридик ва жисмоний шахсларга берилган кредитларга ажратган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ. Чунки, тижорат банклари юридик ва жисмоний шахсларга берган кредитлари таъминоти, характеристи, хусусияти, ҳажми, мақсади ва шу каби турли жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банкларида кредит рисклари доимий равишда баҳоланади ва мониторинг қилиб борилади. Буни иккита даражага гурухлаган ҳолда ўрганиш мумкин.

Биринчи даражада, рискларни мониторинги ва уларни баҳолаш банкнинг тегишли бўлимлари раҳбарлиги остида масъул мутахассислар амалга оширади.

Иккинчи даражада кредит рисклари мониторинги ва уларни баҳолаш банк бошқаруви ва кредит қўмитаси томонидан амалга оширилади. Хусусан, банк бошқаруви ва кредит қўмитаси йиғилишларида банкнинг кредит портфели ҳолати, уларнинг тўлиқ қайтиши билан боғлиқ масалалар, шунингдек, келгусида бериладиган йирик кредитлар, уларнинг даромадлилиги ва шу каби масалалар бўйича тегишли муҳокамалар амалга оширилади.

Тижорат банклари активларини баҳолашда бешта: яхши; стандарт; субстандарт; шубҳали ва умидсиз тоифаларга таснифланади. Марказий банк активлар бўйича йўқотишлиар ҳисобига кўриладиган заарларни қоплаш учун ҳар бир тоифа бўйича белгиланган захираларни шакллантириш юзасидан тижорат банкларга нисбатан тегишли талабларни ўрнатади.

Мақола доирасида амалга оширилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, банк рискларини бошқаришнинг самарадорлигини белгиловчи асосий иқтисодий-меъёрий кўрсаткичларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча улар қўйидагича бўлиши лозим:

- банкнинг рискларини бошқариш бўлинмалари фаолиятига баҳо беришда унинг “қониқарли” эканлиги банкда молиявий йўқотишлиар умуман мавжуд бўлмагандан, “қониқарсиз” эканлиги эса банкда молиявий заарлар ва йўқотишлиар бўлган ҳолатда берилишини белгилаб қўйиш лозим;
- бутун банк бўйича, банк рисклари оқибатида кўрилган заарлар миқдори банк капитали умумий ҳажмининг 1 фоизига етмагандан “қониқарли” бўлса, ушбу йўқотишлиар ҳажми банк капитали умумий ҳажмининг бир

фоиздан ортганда эса “қониқарсиз” ҳолат сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

-банк рискларини бошқариш механизmlарини қўллашда тизимсиз ва тизимли рисклар эканлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, шу билан бирга улардан самарали бўлишида рискларни бошқаришга масъул ходимларнинг билим, тажриба, кўникмалари ҳамда масъулитяига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хуноса қилиб айтганда, банк рискларини бошқаришнинг қатор механизmlари мавжуд бўлиб, уларнинг ичидан банқдаги рискларнинг хусусияти ва қамраб олиш қобигига мувофиқ тарзда ижобий натижалар берадиганини рискларни бошқаришда жорий этиш муҳим ҳисобланади.

#### **Foydalaniman adabiyotlar ro‘yxati**

1. Abdullayev Yo., Karaliyev T., Toshmurodov Sh., Abdullayeva S. “Bank ishi” o‘quv qo‘llanma. T.: “Iqtisod-Moliya”, 2010 y. 207-331 b.
2. O.I.Lavrushina. “Bankovskoye delo” Uchebnik. Pod. Rek. -2-e izd, pererabot. I dop. - M.: Finansi i statistika, 2007. - 576 s.
3. Abdullayeva Sh.Z. Karimov F.Sh., Navro‘zova K.N., Ortiqov U.D. “Bank resurslari va ularni shakllantirish asoslari”. T.: “TMI” 2004 y. -263 b.